



20 20 у « 30 » сентябрь

№ Қ-546

« \_\_\_ » \_\_\_\_\_ 20\_\_ г

Денов туманидаги “Ғалаба” СИУ худудидан “NURLI DENOV MASHA’LI” хусусий корхонасига замонавий энергия тежамкор “Иссиқхона” қурилиши учун ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 20 мартдаги 4246-сон қарорига асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 05 октябрдаги 05-02/722-сон йиғилиш баёни ва Денов туман ҳокимининг 2020 йил 29 майдаги 01-36/576-сон хатини кўриб чиқиб,

#### Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 05 октябрдаги 05-02/722-сон йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Денов туманидаги “Ғалаба” СИУ худудидан “NURLI DENOV MASHA’LI” хусусий корхонасига замонавий энергия тежамкор “Иссиқхона” қурилиши учун туман ҳокимлиги захира ер фондидан қишлоқ хўжалик харитасининг 38қ-дала контуридаги 2,0 гектар ер майдони вақтинча (10 йил) муддатга фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

3. “NURLI DENOV MASHA’LI” хусусий корхонаси бошлиғи А.Хайитовга: иссиқхона учун ажратилаётган ер майдонидан фақат иссиқхона қуриш учун фойдаланиши;

етиштирган маҳсулотларни экспорт қилиши;  
мақсадсиз фойдаланилганда ёки бир йил мобайнида фойдаланилмаганида ажратилаётган ер майдони туман ҳокимлиги захирасига қайтариб олиниши кўрсатиб ўтилсин.

4. Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (А.Ғаниев) ва Денов тумани ҳокимлиги (Б.Ибатов) ер майдони ажратилиши муносабати билан туман ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.

5. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари У.Турапов ва А.Орипов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов